

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 25 (1256)

2020 ЙИЛ 2 ИЮЛЬ

“АГРОБАНК”ДАН ОНЛАЙН ВА БЕПУЛ ХИЗМАТЛАР

Яқинда пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида “Агробанк” АТБ томонидан пандемия даврида мижозларга тақдим этилаётган тезкор, қулай ва масофавий хизматлар маъзусига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Унда “Агробанк” АТБ Бош офисининг раҳбар ва ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



Тадбирда таъкидланишича, мамлакатимиз молия-банк тизимида етакчи ўринларга эга бўлган “Агробанк” томонидан аҳоли ва банк мижозларини, шунингдек, кичик бизнес субъектлари ҳамда фермер хўжалиқларини тезкор, ишончли, инновацион банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга катта эътибор қаратиляпти.

Биринчи навбатда, пандемия шароитида мижозларнинг банкка келиш имконияти чекланганлигини ҳамда қарздорларнинг кредит тўловлари билан боғлиқ рискинни юмшатиш мақсадида юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг кредит тўловларини қайтарилишида уларга имтиёзли давр бериш мақсадида жисмоний шахсларга 2020 йилнинг 1 август-гача, юридик шахслар учун эса 1 октябрга қадар кредит таътиллари жорий қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)


МАРКАЗИЙ БАНК ХАБАРИ

Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилган ишлар доирасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида “Агробанк” ва Халқ банки фаолиятида банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, ушбу банклар томонидан қонун талабларига риоя қилмаган ҳолда, мижозларнинг ҳисобварақларига маблағ киритиб қўйганлик учун комиссия тўловлари ундирилган, омонат шартномаси шартларига банк томонидан бир томонлама ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи кўзда тутилган. Шунингдек, банкларнинг ахборот стендларида нотўғри ва аҳамиятсиз (долзарб бўлмаган) маълумотлар жойлаштирилган, кредит шартномаси шартларига амал қилмаган ҳолда, кредит тўловлари бўйича пенялар ҳисобланган ва бошқа қоидабузарликларга йўл қўйилган.

Шу муносабат билан аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар бериш билан бир қаторда ушбу банкларга нисбатан белгиланган тартибда жарима санкциялари қўлланилди.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банк Ахборот хизмати



“МИКРОКРЕДИТБАНК” ЗАМОНАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИ СОНИНИ ОШИРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қароридан белгиланган вазифалар ижроси доирасида “Микрокредитбанк” АТБ томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада банк, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳамда қулайлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.



Хусусан, “Микрокредитбанк” АТБ Навоий вилояти минтақавий филиали Амалиёт бўлими қошида ташкил этилган замонавий “Ёшлик” банк хизматлари маркази бу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг яна бир амалий ифодасидир.

Бугунги кунда, Навоий шаҳрининг

аҳоли гавжум жойида ташкил этилган “Ёшлик” банк хизматлари маркази тўла қувватларда фаолият олиб бориб, юридик ва жисмоний шахсларга барча қулайликлар яратилган ҳолда кенг қўламли банк ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатади.

(Давоми 3-саҳифада)

ЁШ МАТЕМАТИК СТИПЕНДИЯСИ СОВРИНДОРИ



“АСАКА” БАНК “ЁШ МАТЕМАТИК” СТИПЕНДИЯСИ ҲОЛИБИНИ ТАҚДИРЛАДИ

“Асака” банк Президентимиз раислигида 2020 йил 31 январь кунини илм-фанни ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети билан ҳамкорликда

Фанлар академиясининг В. И. Романовский номидаги математика институти, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Марказий Банк ўртасида имзоланган “Йўл харитаси” га биноан “Ёш математик” стипендиясини таъсис этган эди.

(Давоми 4-саҳифада)



“АГРОБАНК”ДАН ОНЛАЙН ВА БЕПУЛ ХИЗМАТЛАР



(Бошланиши 1-саҳифада)

Шунингдек, апрель, май, июнь ҳамда июль ойларида мuddати тугайдиган миллий ва хорижий валютадаги омонатларни автоматик тарзда пролонгация қилиш, яъни мuddати жорий йилнинг 1 августига қадар узайтирилди. Бунда омонат фоизлари ўзгаришсиз қолади ва карантин мuddати тугагандан сўнг барча ойларга ҳисобланган фоизларни бир вақтнинг ўзида ечиб олиш мумкин.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса банклараро пул ўтказмаларини онлайн амалга ошириш имконини берувчи “ANOR” тезкор тўловлар тизими ишга туширилди. Бу тўловларни кечаю кундуз ва дам олиш кунларисиз амалга ошириш имконини бериши билан бирга мижозларни ортиқча банк биносига ташриф буюришини ҳам олдини олади.

Пандемия даврида масофавий банк хизматларини кўрсатилаётганини, жумладан, банкнинг юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан “Agrobankmobile” мобил иловасидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга оширишда мижозларга қўлайлик яратиш мақсадида бепул қилиб белгилади.

Бугунги кунда, нақд пул тушумига эга бўлган банкнинг юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан терминал олиш учун масофадан ариза бериш хизмати “Online ariza” хизмати ишга туширилди.

Шунингдек, халқаро пул ўтказмаларини қабул қилувчи ҳар бир мижозга банк пластик картаси бепул очиб берилмоқда.

Шулар билан бирга, пластик картанинг амал қилиш мuddати тугаса ёки йўқотилганда янги картани мижознинг уйига етказиб бериш хизматлари жорий этилганлигини мижозларга янада қўлайлик яратилганлиги айтиб ўтсак бўлади.

Карантин даврида мобил илова орқали “Uzcard” пластик картадан “Humo” пластик картага ва аксинча

“Humo” пластик картадан ва “Uzcard” пластик карталарига маблағлар ўтказиш имконияти яратилди, комиссия миқдори ўтказма қийматидан 1% дан 0,5% га туширилди.

Интернет тармоғи ҳамда мобил телефон орқали банк хизматларидан фойдаланиш айниқса, бугунги карантин шароитида аҳолининг ушбу хизматларга бўлган талаби, қизиқиши ва ишончини ортиб бораётгани сабабли мазкур интерактив хизматларни янада ривожлантириб бориш зарурлигини белгиламоқда. Хусусан, ҳозирги кунда республикада ягона бўлиб келаётган юридик шахслар учун онлайн кредит ҳам жорий этилган. Бунда мижоз банкка мурожаат қилмасдан, “Agrobankmobile” мобил иловаси ва “Internet banking” тизими орқали атиги бир неча дақиқаларда кредит расмийлаштириб ўз ҳисоб рақамига ўтказиши мумкин.

Бундан ташқари, банкка мурожаат қилмасдан туриб мобил илова орқали халқаро пул ўтказмалари амалга ошириш ҳам жорий этилган. Ўзбекистондан “Uzcard” ва “Humo” сўм пластик карталаридан Россия Федерациясининг “Сбербанк” пластик карталарига ва аксинча, “Сбербанк”нинг “Sberbank Online” мобил иловаси орқали “Агробанк”нинг “Uzcard” ва “Humo” сўм пластик карталарига тўғридан-тўғри маблағ ўтказиш мумкин. Бугунги кунга келиб ушбу хизматдан 241 мингдан ортиқ мижозлар фойдаланиб, келиб тушган маблағлар ҳажми 115 млрд. сўмга етди.

Қайд этиш жоизки, республикада ҳукм сураётган карантин шароитида “Агробанк” АТБ жамоаси аҳоли ва банк мижозларга, шунингдек, кичик бизнес субъектлари ҳамда фермер хўжалиқларига тезкор, ишончли, инновацион ва энг асосийси, масофавий банк хизматлари турларини кенгайтиришга катта эътибор қаратяпти.

Тадбир сўнггида банк мутасаддилари журналистларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтаришди.

Яқинда акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан Миллий матбуот марказида “Хар бир оила – тадбиркор”, хотин-қизлар бандлиги ҳамда “Ёшлар – келажакимиз” Давлат дастурлари ижроси доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда банк мутасаддилари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

ЖОРИЙ ЙИЛДА БАНКНИНГ СОФ ФОЙДАСИ 238,9 МЛРД. СЎМ

Маълумотларга кўра, Халқ банки Ўзбекистондаги энг йирик банклардан бири ҳисобланади. Айни дамда унинг республика миқдори бўйлаб 197 та ҳудудий ва туман (шаҳар) филиаллари, 23 та мини-банк ва 3 мингдан ортиқ кассалари юридик ва жисмоний шахсларга банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, Халқ банкнинг жами активлари йил бошига нисбатан 3,7 трлн. сўмга (ёки 21,2 %) ортиб, 21 трлн. сўмни; кредит портфели 2,4 трлн. сўмга 19,3 %) ортиб, 14,8 трлн. сўмни; банкнинг жами капитали эса 4,6 трлн. сўмни; шу билан бирга, 2019 йилнинг мана шу даврида банк 20,2 млрд. сўм фойда кўрган бўлса, жорий йилда банкнинг соф фойдаси 238,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Тадбирда банк томонидан банк фаолиятини трансформация қилиш жараёнида ҳам мижозларга янада кенг қўлайлик яратишга катта эътибор қаратилаётгани ва тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, мижозларга юқори даражада қўлайлик яратиш борасида бир қатор ишлар олиб борилаётгани ҳақида ҳам сўз борди.



Жумладан, аҳоли ва мижозларга янада яқинроқ бўлиш мақсадида 2020 йилда 45 та “Банк хизматлари маркази”ни ишга тушириш орқали 89 тага етказиш, банкоматлар сони 456 тадан 1 200 тага етказиш режалаштирилган. Бугунги кунда, Марказларнинг 8 таси ўз фаолиятини бошлади. Шундан, Қўштепа, Куйганёр, Жондор туманларида ҳамда Қарши ва Хива шаҳарларида жами 5 та янги типдаги енгил конструкцияли замонавий “Банк хизматлари марказлари” ишга туширилгани таъкидланди.

Шунингдек, жорий йилда Тошкент шаҳрида ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган бештадан “Smart” офислар ва аҳоли мурожаатларига ўз вақтида жавоб бериш ва банк хизматларини кўрсатишда инсон омилини камайтириш мақсадида Жиззах шаҳрида мутлақо янги форматдаги “Call-center” ишга туширилди. Бу марказ орқали, мижозлар эндиликда уйдан туриб, омонат очини, кредит расмийлаштириши ва бошқа банк хизматларидан фойдаланишлари мумкинлиги қайд этилди.

Анжуманда банк мутасаддилари мавзу доирасида ҳам банк томонидан олиб борилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтишди. Хусусан, “Оилавий тадбиркорлик”ни ривожлантириш мақсадида ажратиладиган имтиёзли кредитлар мuddатларини қисқартириш ва инсон омилини камайтириш мақсадида “Оилавий бизнес” мобил иловаси жорий қилинди ҳамда онлайн ҳужжатлар қабул қилиш йўлга қўйилди. Бунда, “Андеррайтинг” тизимидан самарали фойдаланилмоқда. Хусусан, жорий йилда Халқ банки томонидан жами 97 минг 876 та мижознинг 3,9 трлн. сўмлик лойиҳалари молиялаштирилди ва натижада 24 мингдан ортиқ аҳолини бандлиги таъминланди.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари давомида тасдиқланган дастурларга асосан 1,6 трлн. сўмдан ортиқ 682 та лойиҳа молиялаштирилди ва 2,5 минг та иш ўрни яратилди. Шу билан бирга “Оилавий тадбиркорлик”ни ривожлантириш давлат дастурлари бўйича 2 минг 232 нафар мижозга 677 млрд. сўмлик кредит ажратилди ва 22 мингдан ортиқ аҳоли бандлиги таъминланди. “Чорвачиликни ривожлантириш” дастури бўйича эса 370 та мижозга 617 млрд. сўмлик кредит ажратилиб, 3 минг 58 та иш ўрни яратилди.

Айланма маблағларни тўлдириш ва экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича 1 минг 135 нафар мижозга 465 млрд. сўм кредит ажратилиб, мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

Алоҳида қайд этиш жоизки, пандемия даврида банк мижозларга кредитлаш амалиётини бир дам тўхтатгани йўқ. Хусусан, жорий йилда 101 589 та жисмоний шахсга жами 1 242,9 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Шундан, июнь ойида 13 830 та жисмоний шахсга 53 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратиб берилди.

Шу билан бирга аҳолига кенг қўлайлик яратиш мақсадида Халқ банки биринчилардан бўлиб, жаҳон банкларида кенг оммалашган “кредит карта” ва “режали тўлов” карталарини амалиётга жорий қилди. Натижада жорий йилда “кредит карта” орқали 25 мингта мижозга 97 млрд. сўм, “режали тўлов” карталари орқали 10 855 та мижозга 75 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Шунингдек, аҳолига қўлайлик яратиш ва уларнинг кредитга бўлган эҳтиёжларини қондириш юзасидан “Xalq mobile” мобил иловаси орқали масофадан туриб, кредит олиш имконини яратиш мақсадида май ойида “НАНО” кредит амалиётга жорий қилинди. Ушбу қисқа вақт давомида 916 та мижозга 1,5 млрд. сўм кредит маблағи ажратиб берилди.

Айни дамда ҳам банк томонидан бундай қўлай хизмат турларини янада кенгайтириш устида иш олиб борилмоқда.

“Ўзсаноатқурилиш-банк” MasterCard кредит карталарини муомалага чиқариш бўйича лойиҳани амалга ошироқда. Мазкур карталар шахсий ва қарз маблағлари ҳисобини алоҳида юритиш, картани масофавий каналлар орқали фаоллаштириш ва ПИН-кодни ўзгартириш имконига эга. Банкнинг барча карталарида контактсиз интерфейс, интернет тармоғида хавфсиз тўловлар тизимига улашиш каби имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисидаги Фармонига мувофиқ, банк соҳасини ривожлантиришнинг устуворликлари белгиланган, унда рақамли технологияларни кенг жорий этиш банк тизими юқсалишининг драйвери сифатида кўрсатилган.

“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” MASTERCARD КРЕДИТ КАРТАЛАРИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА



Таъкидлаш жоизки, банк мижозлари эҳтиёжларининг жадал ўсиши туфайли амалдаги процессинг маркази салоҳиятини оширишни тақозо қилмоқда. Шундан келиб чиқиб “Ўзсаноатқурилишбанк” 2019 йилда Way4 платформаси негизда процессинг марказини модернизациялаш бўйича лойиҳани амалга

оширишни бошлаган. Лойиҳанинг мақсади маълумотга электрон ишлов бериш тизими, барча машҳур халқаро тўлов тизимлари карталарига хизмат кўрсатиш, шунингдек, транзакцияларга ишлов бериш, уларни банк бухгалтерия ҳисобида акс этишини назарда тутувчи замонавий картага доир процессингни

яратишдан иборат.

– Банк пластик карталари кундалик ҳаётимизда оддий ва шу билан бирга зарур воситага айланган. Унинг ёрдамида биз иш ҳақимизни оламиз, магазин ва интернетда харидларни амалга оширамиз, дўстларимизга қарз берамиз, валюта сотиб оламиз ва пулларимизни


сақлаймиз. Булар барчасининг юраги бу процессинг маркази бўлиб, у бир томондан карта, иккинчи томондан – тўлов тизими ҳамда учинчи томондан – терминал ва банкоматлар билан ўзаро узвий алоқада бўлади, – деди “Ўзсаноатқурилишбанк” Бошқаруви раисининг ўринбосари Улугбек Таваккалов.

Лойиҳа доирасида нафақат MasterCard, балки Union Pay, Visa ва HUMO тўлов тизимлари билан ҳам сертификатлаш назарда тутилган.

Банк Mastercard халқаро тўлов тизимидан IETED тети бўйича синовдан муваффақиятли ўтганлиги ҳақида якуний хабарномани олди. Бу Банк томонидан чиқарилган контактсиз интерфейс билан чипли карталар барча зарур сертификатлашдан ўтганини ҳамда Банк жаҳондаги тўлов саноати етакчиларидан бирининг барча жорий талабларига мувофиқлигини англатади.

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБнинг 45 МЛРД. СЎМЛИК КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ЖОЙЛАШТИРИЛДИ

2020 йилнинг 24 июнида “Тошкент” РФБда “ASIA ALLIANCE BANK” АТБнинг 45 млрд. сўмлик корпоратив облигациялари жойлаштирилиши якунланди. Бу рўйхатга олинган облигацияларнинг 90% дан ортигини ташкил этади.



“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ чиқарган корпоратив облигацияларнинг рўйхатдан ўтган ҳажми 50,0 млрд. сўмни ташкил этади. Номинал қиймати – 1,0 млн. сўм, муомала муддати – 7 йил (ёки жойлаштирилган кундан бошлаб 2557 кун). Ушбу облигацияларнинг даромадлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасига тенг бўлиб, йилига + 4% ни ташкил этади. Облигациялар бўйича чораклик фоиз тўловлари ҳам кўзда тутилган. Облигациялар “Тошкент” РФБ листингига кириб, очик айланиши мумкин.

Маълумот учун: “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ нинг 100% акцияларига Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги эгалик қилади. “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Ўзбекистондаги ёш ва жадал ривожланаётган, лойиҳаларни молиялаштириш соҳасидаги фаол банклардан биридир. 2011 йил ноябрь ойидан бошлаб банк “Moody’s Investor Service” халқаро рейтинг агентлигининг рейтингларига кирган. “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ куйидаги

рейтингларга киритилганки, улар ҳар йили Агентлик томонидан тасдиқланади:

- контрагент узоқ муддатли хатарларини банк томонидан баҳолаш; (CR Assessment) – B1 (cr) даражаси;
- депозитларнинг узоқ ва қисқа муддатли рейтинглари – B2 даражаси.

Бундан ташқари, 2019 йилнинг ноябрь ойида Asia Alliance Bank “2019 йилда Ўзбекистоннинг йил банки” номига сазовор бўлди. Банк “Тошкент” РФБнинг биржа котировкаси рўйхатига киритилган бўлиб, корпоратив облигациялар бозоридан биржа савдоларининг фаол иштирокчиси ҳисобланади.

2020 йилнинг 5 ой якунига кўра Asia Alliance Bank умумий активлари бўйича 18-ўринни (2,5 трлн. сўм) ва капитал ҳажми бўйича 20-ўринни (305 млрд. сўм) эгаллаб турибди. Банкнинг кредит портфели 1,7 трлн. сўм – барча банк кредитларининг 0,7% ҳажмида шакллантирилган. МХХС ҳисоботида кўра 2019 йилда соф фойда 27,2 млрд. сўмни ташкил этиб, бу 3,0 млн. \$ га тенг.

Finance.uz

“МИКРОКРЕДИТБАНК” ЗАМОНАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИ СОНИНИ ОШИРМОҚДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Хусусан, марказда жисмоний шахслар учун қулай шартларда микроқарз, овердрафт, истеъмо, автокредит ва бошқа кредитларни расмийлаштириш имконияти яратилган. Кредит карталари қисқа муддатда расмийлаштириб берилади.

Бундан ташқари мижозларга, мутахассислар маслаҳатини олиш, ҳисобрақам очиш ва кредитлар олиш учун ариза бериш, онлайн омонатни расмийлаштириш, барча турдаги тўловлар, валюта айирбошлаш ҳамда халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш имконияти яратилган.

Мазкур банк хизматлари маркази биноси халқаро стандартлар асосида таъмирланиб, илғор коммуникация воситалари ҳамда замонавий мебеллар билан жиҳозланди. Банк хизматлари маркази ходимлари малякаси “Микрокредитбанк” тизимида ишлаб чиқилган “Мижозларга хизмат кўрсатиш стандартлари” асосида оширилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, яқин орада Навоий вилоятининг Хатирчи тумани ва Зарафшон шаҳарларида худди шундай яна 2 та замонавий банк хизматлари марказлари очилиши кўзда тутилган бўлиб, бу борада ҳам зарурий амалий ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга “Микрокредитбанк” ўз мижозларига самарали ҳамда кенг қўламли хизмат кўрсатиш, шунингдек, мижозлар сафини янада кенгайтириш мақсадида навбатдаги “Банк хизматлари маркази”ни Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳрида ишга туширди.

Ушбу марказда мижозларга мутахассислар маслаҳатини олиш, ҳисобрақам очиш ва кредит олиш учун ариза бериш, онлайн омонатларни расмийлаштириш, барча турдаги тўловлар ҳамда халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш имконияти яратилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур худудда шу вақтга қадар қийим-кечак дўконлари, чойхана, гўзаллик салонлари, кўп қаватли уйлар, мактаб, болалар боғчаси каби кўплаб ташкилотлар фаолият юритаётган бўлиб, банк хизматларига эҳтиёж катта эди. Мазкур масалани ҳисобга олган ҳолда “Микрокредитбанк” аҳолига қулай жойда ўз марказини очди. Жорий йилнинг ўтган даврида банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиали томонидан 2 та марказ ишга туширилди, йил охирига қадар яна 5 та марказ очилиши режалаштирилган.

Айни пайтда “Микрокредитбанк” томонидан банк фаолиятини молиявий соғломлаштириш, операцион харажатларни оптималлаштириш ҳисобида хизмат кўрсатиш географиясини кенгайтириш мақсадида 35 та илҳам ва кам харажат талаб қилувчи “Банк хизматлари марказлари” фаолиятини йўлга қўйилди. Бундан ташқари яна 15 та банк хизматлари марказларида жиҳозлаш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Шу ой якунигача ушбу БХМлар сони 50 тага етади. Ушбу амалиётларни келгусида ҳам давом эттириб, жорий йил якунига қадар жами 90 та замонавий марказлар ишга туширилиши режалаштирилган.



“АСАКА” БАНК “ЁШ МАТЕМАТИК” СТИПЕНДИЯСИ ҒОЛИБИНИ ТАҚДИРЛАДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Мақсад математика йўналишидаги қобилиятли ёшларни рағбатлантириш, уларни яратувчанлик фаолиятига кенг жалб қилиш, иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш, билимини юксалтириш, интеллектуал ривожлантириш ҳамда муносиб тақдирлаш.

Нуфузли “Ёш математик” стипендияси ҳар йили “30 июнь – Ёшлар куни” арафасида аниқланади. Илк ғолиб математика йўналишида қўллаб халқаро олимпиадаларда муваффақиятли иштирок этиб келаётган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Математика факультети талабаси Толибжон Исмоилов бўлди.

1999 йил Хоразм вилоятининг Хонқа туманида туғилган Толибжон 2018-2019 ўқув йилида ЎзМУ ҳамда Қори-Ниёзов стипендияларининг соҳиби бўлган. 2018 йил Урганч шаҳрида ўтказилган Ал-Хоразмий Халқаро Математика Олимпиадасида олтин медални қўлга киритган. Шунингдек, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида университет талабалари ўртасидаги 5-NCUMC олимпиадасида I даражали диплом (олтин медаль), Республика университет талабалари ўртасидаги IV Қори-Ниёзов олимпиадасида 1-ўрин; Болгариянинг Благоевград шаҳрида бўлиб ўтган университет талабалари ўртасидаги XXI Халқаро Математика Олимпиадасида бронза медалига сазовор бўлган.

Миллий Университетда бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида ғолибга “Ёш математик” стипендиясининг соҳиби” гувоҳномаси тантанали равишда топширилди.

“Асака” банк Толибжон Исмоилов сингари иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга доим тайёр. Азиз ёшлар, сиз ҳам нуфузли “Ёш математик” стипендиясининг соҳиби бўлишингиз мумкин. Бунинг учун аъло ўқиш билан бирга яратувчанлик қобилиятингизни шакллантиринг ва доим билимингизни ошириб боринг. Албатта ютуққа эришасиз.

“Асака” банк – молиявий бозорда сизнинг ишончли ҳамкорингиз!

ЎЗА


ЎЗ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИДА ҚАРЗ ОЛУВЧИ МАМЛАКАТЛАР КАМРОҚ ХАТАРГА ЙЎЛИҚАДИ

17 июнь куни Financial Timesда “Ривожланаётган мамлакатлар ҳам миқдорий юмшатишдан фойдаланиши мумкин” номли мақола chop этилди. Мақолада FT бугунги кунда иқтисодиётни рағбатлантиришда миқдорий юмшатишдан нафақат ривожланган, балки ривожланаётган мамлакатлар ҳам фойдалаётганига эътибор қаратади. Буни Хорватия, Польша, Руминия, Чили ва Индонезия каби ривожланаётган давлатлар тажрибаси кўрсатмоқда, улар йил бошидан ушбу сиёсатни қўллаб, пандемия шароитида белгиланган вазифаларни самарали ҳал қилмоқда.

Миқдорий юмшатиш – монетар сиёсат инструменти бўлиб, бунда марказий банк нақдсиз пул эмиссияси ўрнига ҳуқумат, банк ва хусусий компаниялардан чиқарилиш даврида ҳам, унинг келгуси муомаласи учун ҳам қарз қимматли қоғозларни сотиб олади. Билвосита таъсирнинг аънавий инструментлари иш бермаганда мана шундай сиёсат қўл келади. Унинг моҳияти ортиқча банк резервлари (захира базаси)ни ошириш ҳамда шунинг ҳисобига активлар ҳамда фоиз ставкаларини мос равишда пасайтиришдан иборат.

лиги томонидан норматив ҳужжатлар базаси ишлаб чиқилгани боис биринчи вазифа бўйича қонунчилик муаммолари қисман ҳал қилинди. 19 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати корпоратив МЧЖ (АЖ сони 600 бўлса, МЧЖлар сони 140,000 дан ортиқ)ларга облигацияларни чиқариш ҳуқуқини бериш орқали бу жараённи бир қадар енгиллаштирувчи ўзгартиришларни маъқуллади ва қимматли қоғозлар бозори қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

“Облигацияларни чиқаришга бўлган талаблар анчагина юмшади



Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директори Отабек Назиров Ўзбекистон монетар сиёсатида ушбу инструментни қўллаш имконияти юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирди.

“Financial Times мақоласида баён этилган ҳолатлар Ўзбекистон учун прагматик аҳамиятга эга, улар ўзбек монетар сиёсати учун ҳам, фонд биржаси учун ҳам фойдалади. Маҳаллий шароитда мавзунинг долзарблигига алоҳида эътибор қаратилиб, корпоратив облигацияларни чиқариш жараёнини жаддалаштириш ҳамда, энг муҳими, давлат қимматли қоғозлари бозорини эркинлаштириш ва ривожлантириш лозимлиги кўрсатилган.”

“Давлат ва корпоратив облигациялар бирламчи бозориди битимлар тузилиши мумкинлиги жиҳатидан бундай молиявий инструмент Ўзбекистон учун ниҳоятда долзарб деб ўйлайман.

Аёнки, иқтисодиёт, маҳаллий капитал бозорини қўллаб-қувватлаш ҳамда бюджет дефицитини молиялаштириш учун бизда ҳам QE (quantitative easing) (таҳ. – миқдорий юмшатиш) сиёсатини қўллаш мумкин, бунда марказий банк ҳуқумат (Молия вазирлиги) чиқарган облигацияларни сотиб олади.”

Таъкидлаш жоизки, Капитал бозорини ривожлантириш агент-

ва ташқи молиялаштиришни жалб этиш учун масъулияти чекланган жамиятларга янги имкониятлар яратилди, эндиликда корпоратив облигацияларни чиқариш аънавий банк кредитига муқобил бўла олади”, – дейилади Агентликнинг ахборотида.

Мавзунинг давом эттириб, Financial Times ташқи қарзлари кўп бўлган давлатлар учун миқдорий юмшатиш сиёсатини қўллаш хатарли эканлигини таъкидлайди.

“... ички капитал пулини яратиш ва монетар ва фискал органларга бўлган ишончли қозониш учун зарур комплекс ишлар олиб борилаётган қолган мамлакатлар учун у (миқдорий юмшатиш – таҳ.), бошқа вариантлар бўлмаганда, иқтисодиётни рағбатлантиришнинг фойдали воситасига айланиши мумкин”.

Шу маънода Агентлик директори Ўзбекистондаги бу борадаги вазиятни мўътадил деб баҳолайди, чунки мамлакатда монетар олтин ва валюта захираларини ошириш бўйича режали ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга Financial Timesда захира ҳамда ХМИларидан хорижий валютада олинанидан қарз ўртасида мувозантни сақлаш лозимлиги алоҳида таъкидланганки, бунинг О. Назиров ҳам маъқуллади.

“Пул зарб қилишдан иборат баҳсли сиёсат халқаро инвесторлардан хорижий валютада қарз

олаётган ва уларнинг ишончини сақлаб қолишга уринаётган давлатлар учун хавфли”.

Маълумот учун: Марказий банкнинг маълумотларига кўра, Ўзбекистоннинг олтин-валюта захираси 1 июнь ҳолатига кўра \$31.3 млрд (ЯИМнинг 58.1%)и ташкил этиб, 1 апрель ҳолатига кўра ялпи ташқи қарз \$25.1 млрд (ЯИМнинг 46.6%)дан иборат.

FT фикрига кўра, маҳаллий инвесторларни қўллаб-қувватлаш уларни давлат қарзи ўсиб кетмаслигига ишонтиришдан иборат. Бу ривожланаётган мамлакатлар учун миқдорий юмшатишнинг қўллашнинг асосий мезонидир. Бу ички бозорнинг инвестицион тақлифларига таъсир кўрсатади.

“Агар инвесторлар маҳаллий валютани чиқариб юборишса, ташқи ларзалар таъсир қиладиган мамлакатларда ҳаёт оғирлашади, агарда улар хорижий валютада қарз олган бўлса, бу вазиятни янада мураккаблаштиради”.

Отабек Назиров, ташқи қарзнинг жорий аҳволи ҳамда макроиқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари ҳолати эътиборга олинса, бундай мулоҳазалар ўзбек иқтисодиёти учун ҳам ўринли эканлигини таъкидлайди.

“Сўнгги 5 йил ичида валютадаги ташқи қарз 2 баравардан ортиққа ўсди. Ички захира салоҳиятидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб биламан, зеро маҳаллий молия бозорини қўллаб-қувватлаш учун етарли даражадаги захира шаклланган. Ташқи қарзлардан воз кечиш керак эмас, аммо уларни миллий валютада ва илҳи бори-ча хўжалик субъектлари томонидан тўғридан-тўғри жалб қилиш маъқул”.

Шу ўринда Агентлик директори ўйламадан хорижий валютада қарз олаётган давлатлар қийналиб қолиши мумкинлигини тушунтиради, Financial Times ҳам айни шу жиҳатга эътибор қаратган.

“Молия бозори яхши ривожланмаган мамлакатлар иқтисодиёти учун қарз олиш катта хавф туғдириши мумкин. Валюта даромадлари ташқи омиларга боғлиқ бўлиши (экспорт қилинувчи табиий бойликларга бўлган нархларнинг ўзгарувчанлиги), “узун пул”нинг йўқлиги, долларлашиш даражасининг юқорилиги кабилар хос бўлган бундай бозорлар муаммодан қочиб кутулмайди”, – дея изоҳлайди О. Назиров.

Шу билан бирга Financial Times таъкидлашча, захираларни тўлдириб, сўнгги ўн йилликда қарзларни назорат қилиб борган ривожланаётган бозорлар эндиликда миқдорий юмшатиш сиёсатини амалга ошириш учун ўзлари яратган имкониятлардан фойдаланиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси
Капитал бозорини
ривожлантириш агентлиги
Ахборот хизмати**

МАНСАБДОР ВА ТАДБИРКОРЛАР “ПАЙТАВАСИГА ҚУРТ ТУШГАЧ” ДАВЛАТ БОЖИНИ ТЎЛАДИ

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро суди қарори билан Фарғона шаҳридаги “Улуғ шоҳ” МЧЖдан “Асака банк” Фарғона вилоят филиали фойдасига 1 млрд. 827 млн. 501 минг сўм кредит қарздорлиги ва 73 млн. 546 минг сўм давлат божни ундирилиши белгиланган.

Мазкур суд ҳужжати бўйича Бюронинг Фарғона шаҳар бўлими давлат ижросини томонидан ижро иши юритуви кўзга тилган.

Бўлимга “Улуғ шоҳ” МЧЖ мансабдор шахслари ҳамда кўшимча жавобгар Исроможон Худойқуллов тақлиф этилиб, суд ҳужжати ижросини 15 кунлик ихтиёрий муддат давомида бартараф этишлик ҳақида огоҳлантирилган. Шу билан биргаликда, мажбурий ижро ҳаракатлари ўтказиш ва унинг ҳуқуқий оқибатлари, ундирув гаровга кўйилган Ўзбекистон тумани Тағоб қишлоғида жойлашган гишт ишлаб чиқариш заводи ва тивувчилик цехи бино-иншоотларига қаратилиши

мумкинлиги тушунтирилган.

Банкка бўйин эгмаган “Улуғ шоҳ” МЧЖ мансабдор шахслари ва И.Худойқулловнинг “пайтавасига қурт тушиб”, бир неча кун ичида 500 млн. сўм кредит маблағлари ҳамда 73 млн. 546 минг сўм давлат божини нақд шаклда тўлаб беришди.

Ҳозирда қолган кредит қарздорлиги юзасидан “Асака банк” Фарғона вилоят филиали ва қарздорлар ўртасида медиация келишуви бўйича муокаралар олиб борилмоқда.

**Мажбурий ижро бюроси
Фарғона вилоят
бошқармаси
ЎзА**

ХУШХАБАР

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШНИНГ ЯНА БИР МЕВАСИ

Қандай қилиб хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш мумкин?



Бунинг учун республикада Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтишни жадаллаштириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қароридан ҳам кўрсатилган. Мазкур қарорда “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” фанлари бўйича ўқув ва ўқув-услубий адабиётларни МҲХСлари таълиқлари асосида такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Банк-молия академиясининг “Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит” кафедраси профессор-ўқитувчилари проф. А.Ибрагимов, и.ф.д. К.Хотамов, и.ф.д. Н.Ризаевлар томонидан яратилган “Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари” номли дарслик айнан шу зарурат сабабли юзага келди.

Дарсликда молиявий ҳисоботлар халқаро стандартлари (МҲХС Фонди)нинг ташкил топиши, унинг ривожланиши, бухгалтерия ҳисобининг халқаро моделлари, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, банкларда лизинг, депозит операциялари ҳисоби, даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш, молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тамойиллари билан ҳам танишишингиз мумкин.

Ушбу дарслик яқиндагина нашрдан чиқди.

Дарслик Олий таълим Давлат таълим стандартлари талаблари асосида тайёрланган.

Дарслик 5А 233705 - “Банк ҳисоби, аудити ва назорати” магистратура мутахассисликлари тингловчилари учун мўлжалланган.

Ушбу дарсликдан бир тўплами Академия кутубхонасига совға қилинди. Мутахассисларга дарслик билан танишиб чиқишни тавсия қиламиз.

Ўз мухбиримиз

САМАРҚАНДА “САЙҚАЛЛАНГАН” ПЕНСИЯ ПУЛЛАРИ ЁХУД СОХТА САҲОВАТПЕШАЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси зиммасига давлат пенсияларининг тайинлиши ва қайта ҳисоблаб чиқишини тизимли асосда доимий таҳлил қилиш ҳамда мониторингини олиб бориш, фуқароларнинг пенсия таъминотиغا йўналтирилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Жамғарма томонидан маблағларни мақсадли сарфланишини назорат қилиш мақсадида масофадан туриб, камерал ўрганишлар ва олиб борилган мониторинг натижаларига кўра, жорий йилнинг 20-22 январь кунлари Пенсия жамғармаси Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳар бўлимида “Пенсия” дастуридан танлов асосида шакллантирилган рўйхатлар бўйича 2019 йил давомида пенсия олувчиларга ўтган давр учун учун бир йўла тўланган кўп миқдордаги маблағларнинг қонунийлиги юзасидан қисқа муддатли ўрганиш ўтказилиб, якунида 16 ҳолатда 49,3 млн. сўм пенсия пуллари ортиқча ҳисобланиб, пенсионерларга нотўғри тўлаб келинганлиги аниқланди.


Мисол учун, фуқаро Ш.И.нинг аризаси ҳамда пенсия ҳужжатлари бўлимининг Пенсия ва нафақаларни тайинлаш гуруҳи 1-тоифали инспектори Ж.Ж. томонидан 2019 йилнинг 16 октябрида қабул қилиб олинган. Фуқаронинг иш ҳақи ва иш стажига ҳужжатлари етарли ва талаб даражасида йиғилиб, тақдим қилинган бўлса-да, “тадбиркор” инспектор Ж.Ж. томонидан бу фуқарога энг кам яъни, 263,5 минг сўм миқдордаги ёшга доир пенсия тайинланган. Ўрганиш кунда аниқланишича, фуқаро Ш.И.нинг мавжуд ҳужжатлари бўйича ҳақиқий ҳисоб-китобларга кўра, унга 2019 йилнинг ноябрь-декабрь ойлари учун 884,0 минг сўм миқдордаги пенсия тўланиши лозим бўлсада, унинг ўрнига 4 149,4 минг сўм пенсия пуллари ҳеч қандай ҳисоб-китобларсиз, бўлим инспектори Ж.Ж. томонидан тўлов рўйхатларига қўшилган ҳолда фуқарога бир йўла тўлаб берилган.

Худди шу каби ва шунга ўхшаш асосиз сабаблар билан Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи, эндигина

пенсияга чиқиш учун ҳужжат тақдим қилган яна 15 нафар пенсионерлар номига ҳам бир йўла кўп миқдордаги пенсия пуллари тўлов рўйхатлари орқали тўлаб келинганлик ҳолатлари аниқланди. Аммо, мутахассиснинг янги “кашфиёти” бўйича “сайқалланган” пенсия пуллари 16 нафар пенсионерларни ҳам “тадбиркор” мутахассисни ҳам узоқ муддат қувонтирмади.

бўлими собиқ ходими Ж.Ж. томонидан ўзлаштирилган 16 ҳолатда 49,3 млн. сўм пенсия пуллари Жамғарма ҳисоби-га ихтиёрий равишда тўлиқ ундирилган бўлиб, ўтказилган ўрганишлар юзасидан тўпланган текшириш материаллари ва ҳужжатлар ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига тақдим қилинди.

Бутун умри давомида



Пенсия жамғармаси Самарқанд шаҳар бўлимидаги ўрганиш бўйича якуний ҳулоса шуки, бўлимнинг собиқ Пенсия ва нафақаларни тайинлаш гуруҳи 1-тоифали инспектори Ж.Ж. фуқароларнинг пенсияга чиқиш учун ҳужжат тақдим қилганларидан кейин бир мунча муддат кечиктирилиб, уларга энг кам миқдорлардаги пенсиялар тайинланиб тўловга чиқарилган. Мазкур тоифадаги 16 нафар пенсионерларга кам миқдорлардаги пенсияларини ошириш учун ўзининг “зарур маслаҳат”ларини берган ҳолда, кўшимча ҳужжатлар талаб қилиб, пенсия миқдорларини ошириш учун ҳаракат қилган. Бироқ, мақсадга эришиш учун етарли омиллар тополмагандан кейин бўлим мутахассиси Ж.Ж. бошқа йўللари излаб топишга ўриниб кўради ва бунинг ҳам уйдасидан чиқади.

Бўлимнинг Пенсия ва нафақалар тўлов мониторинги гуруҳи раҳбари У.Б. ҳамда бошқарманинг Маблағларни бошқариш, пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги бўлими бошлиғи А.Р.ларнинг “Пенсия” дастуридан фойдаланиш учун берилган логин ва паролларини уддабурон Ж.Ж. номаълум йўллар билан кўлга киритиб, бу янгича усулидан унумли фойдаланган ҳолда, 16 нафар пенсионерларга ўтган давр учун кўп миқдордаги пенсия пуллари асосиз равишда амалга ошириб келган.

Ҳозирги кунда, Пенсия жамғармаси Самарқанд шаҳар

меҳнат қилиб, не-не орзу-умидлар билан кексалик гаштини суриш даври келганда бир фирибгар тузоғига тушиб, эл-юрт олдида умрида кўрмаган ташкилот эшиги тагида кутиш ва гувоҳлик беришларини бу пенсионерлар қаерданам билишсин...

Юқоридаги салбий ҳолатларни ўқиб, инсон ҳаётини ахён-ахёнда учраб турадиган фирибгарлар тоифаси идора ходимлари орасида ҳам борлигини унутмаган ҳолда, ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишлари ва ҳуқуқий онгини мунтазам ошириб боришлари зарур эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Бугунги кунда Пенсия жамғармаси соҳасида ҳам бир қатор интерактив хизмат турлари жорий қилинганлигини маълумот ўрнида билдириб, фуқароларни қизиқтирган пенсия таъминотида оид ҳар қандай саволлар, ушбу соҳада юзага келаётган муаммолар ҳамда ўзлари учун зарур бўлган маслаҳатларни олишлари учун Пенсия жамғармасининг қисқа рақамли “1140-ишонч телефони”га мурожаат қилишларини тавсия қиламиз. Шунингдек, пенсионер бўлган фуқароларга Пенсия жамғармасининг “SMS-PENSIYA”-интерактив маълумотлар хизмати ҳамда обуна бўлиб, ундан ўз пенсияларига оид бўлган барча ҳақиқий янгиликлар ҳақида смс тарзида хабардор қилиб борилишини маълум қиламиз.

**Пенсия жамғармаси
матбуот хизмати**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ ВА УЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020
йил 16 мартда 1648-6-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.*

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Марказий банк бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 21 октябрдаги 25/6-сон қарори (рўйхат рақами 1648, 2006 йил 27 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун

ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 523-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2020 йил 15 февраль,
3/15-сон

М. НУРМУРАТОВ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг
2020 йил 15 февралдаги 3/15-сон қарорига
ИЛОВА*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА УЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 1-банднинг учинчи хатбошисидagi "энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан" деган сўзлар "600 млн. сўмдан" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 14-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Лизинг объекти ҳисобланган мол-мулк бўйича тузиладиган битимлар қонунга мувофиқ нотариал тасдиқланиши талаб

қилинадиган ҳолларда лизинг шартномаси нотариал тасдиқланиши лозим, бундан бирламчи бозордан кўчмас мулк ва транспорт воситалари олиш чоғидаги лизинг тўғрисидаги шартномалар мустасно."

3. 16-банднинг биринчи хатбошисидagi "144-моддаси учинчи қисмида" деган сўзлар "306-моддаси олтинчи қисмида" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

ЛОМБАРД ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
15 июнда 1291-П-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.*

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ва "Давлат божи тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2003 йил 22 сентябрдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 1291, 2003

йил 10 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 23-сон) билан тасдиқланган Ломбард фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2020 йил 25 май,
12/2-сон

М. НУРМУРАТОВ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг
2020 йил 25 майдаги 12/2-сон қарорига
ИЛОВА*

ЛОМБАРД ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 4-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"4. Ломбардлар фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш, лицензияни қайта расмийлаштириш ҳамда бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарори билан расмийлаштирилади."

2. 91-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"91. Ломбард бошқарув органининг раҳбари лавозимига тавсия этиладиган номзодга қўйилган талаблар:

иқтисодий олий маълумот;
банк-молия соҳасида икки йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига, шу-

нингдек буюқсон ишчанлик обрўсига эга бўлиши керак.

Бунда, иқтисодиёт соҳасидаги ёки бошқарув тартибига қарши жиноят учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар буюқсон ишчанлик обрўсига эга эмас деб топилади."

3. 14-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Лицензияловчи орган томонидан лицензия берилганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

Йиғим миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади."

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

БАНКЛАРНИНГ ОДДИЙ ВЕКСЕЛЛАРИ ВА ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАРИ БЛАНКАЛАРИНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 июнда 1477-3-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон

ли "Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон

Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 12 майдаги 10/6-сонли қарори (рўйхат рақами

1477, 2005 йил 30 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 22-сон, 163-модда) билан тасдиқланган Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари

бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2020 йил 25 май,
12/6-сон

М. НУРМУРАТОВ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг
2020 йил 25 майдаги 12/6-сон қарорига
ИЛОВА*

БАНКЛАРНИНГ ОДДИЙ ВЕКСЕЛЛАРИ ВА ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАРИ БЛАНКАЛАРИНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 3-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"3. Сўндирилган қимматли қоғоз-


лари бланкаларига, шунингдек яроқсиз ҳолга келган ва (ёки) фойдаланилмаган қимматли қоғозлари

бланкаларига "Сўндирилган" ёзуви билан белги киритилиши шарт."

2. 21-банд қуйидаги тахрирда

баён этилсин:

"21. Далолатнома банк Бошқаруви раисининг имзоси билан тасдиқланади."



ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРАШИШ КЕРАК?

Вазирлар Маҳкамасининг 20.06.2020 йилдаги 394-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди.

Уни амалга оширишнинг асосий йўналишлари белгиланди.

1. Хуфиёна айланмани қисқартиришга қаратилган бошқарувда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш.

ДСҚ ва унинг ҳудудий бўлиналари тузилмасида (тасдиқланган штат бирликлари доирасида) жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация асосида солиққа тортиш, электрон савдони солиққа тортиш, яширин иқтисодиётни қисқартириш ва халқаро интеграция бўлимлари ташкил этилади. ДСҚга ҚҚСни ҳисобга олиш ва қайтариш тизимини такомиллаштириш вазифаси топширилди.

Давлат статистика қўмитаси таркибида (тасдиқланган штат бирликлари доирасида) яширин иқтисодиётни, яширин ишизликни баҳолаш ва ҳисобга олиш бўлимларини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

2. Иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва маркировкалаш.

Мазкур йўналишда тадбиркорлик субъектлари онлайн-НКМ билан қамраб олинади, маркировкаланадиган товарлар рўйхати босқич-ма-босқич кенгайтирилади.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ноқонуний фаолиятини қисқартириш механизмларини, шунингдек электрон тижорат соҳасида фаолият юритадиган субъектларни аниқлаш ва солиққа тортиш механизмни ишлаб чиқиш назарда тутилган.

"Case management system" асосида солиқ текширувлари самарадорлиги ва сифатини назорат қилиш тизими ташкил этилади.

3. Иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ошириш.

МБга "Нимо" ва "UzCard" тўлов тизимларини интеграциялаш вазифаси топширилди. QR-коддан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган тўловлар сони оширилади, ҳўжалик юртувчи субъектларнинг В2В тўловлари узлуксиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизимига ўтказилади.

Кўчмас мулк ва транспорт воситалари бўйича битимларни расмийлаштиришда замонавий банк хизматларидан фойдаланишни кенгайтириш назарда тутилган.

4. Банк хизматларининг оммабоплигини ошириш.

Бунда "Истеъмол кредити тўғрисида"ги Қонунга истеъмол кредитларини тақдим этиш тартибини соддалаштирадиган ўзгартиришлар киритилади. Нобанк кредит ташкилотларини ривожлантириш назарда тутилган.

5. Ташқи савдода яширин иқтисодиёт улушини сезиларли даражада қисқартириш.

1 августга қадар Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Давлат божхона қўмитаси томонидан ташқи савдода яширин иқтисодиётнинг ҳолати таҳлил қилинади ва Вазирлар Маҳкамасига уни қисқартириш бўйича таклифлар киритилади.

1. Ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш тартиби соддалаштирилади

Ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати 67 тага кенгайтирилади.

Ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш хабар бериш тартибида ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда махсус мобиль илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади.

Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтдан қатъи назар, БХМнинг камида 50 фоизи ҳажмида тўлайди.

2. Кўп қаватли биноларни қурувчи ташкилотларга божхона имтиёзлари берилади

2020 йил 1 июлдан 2023 йил 1 июлгача бўлган мuddатда кўп қаватли монолит уй-жойлар қуриш учун белгиланган тартибда шақланган рўйхатга мувофиқ импорт қилинадиган бетон қўйиш қопиллари, бетон тайёрлаш машина ва механизмлари божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади.

Божхона тўловларини тўловчилар 2020 йил 1 июлдан 2023 йил 1 июлгача бўлган мuddатда импорт қилинадиган қурилиш соҳасида фойдаланиладиган машина ва механизмлар, технология жихозлар, кичик механизация воситалари, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар бўйича божхона тўловларини (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 120 кунгача кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқига эга бўлади.

3. Тошкент шаҳар ДХМда фуқаролар учун медиатор хизмати жорий этилади

Эксперимент тариқасида, Тошкент шаҳрида давлат хизматлари марказлари биноларида низолашувчи фуқароларга медиатор хизматидан фойдаланиш учун алоҳида хоналар ажратилади.

4. Кўп квартиралли уй-жойларни қуриш жараёнида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва ижтимоий бошқарув тизими жорий этилади

2020 йил 1 июлдан бошлаб:

• Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан уй-жойлар қуриш учун ёрлар сугориладиган ёрлар ва ўрмон фондида қирмайдиган ҳамда аҳолини мажбурий кўчириш хавфи бўлмаган тақдирда ажратилади;

• ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чикувчи комиссия таркибига "Ўзгидромет" марказининг ҳудудий бўлиналари вакиллари киритилади ҳамда уларнинг ҳулосаси олинади;

• қишлоқ жойларда кўп квартиралли уй-жойларни қуриш бўйича танлов савдоларида голиб бўлган тадбиркорлар билан инвестиция шартномалари тузилади;

• уй-жойларни қуриш бўйича ажратилган ер массивлари (участкалари) ва локал оқова сув тозалаш иншоотларининг атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш ҳулосаси тайёрланади ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофиза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари томонидан давлат экологик экспертизаси ҳулосалари берилади;

• кўп квартиралли уй-жойларни қуриш жараёнида халқаро молия инсти-

1 ИЮЛДАН НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

тутлари талабларидан келиб чиқиб, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва ижтимоий бошқарув тизими жорий этилади.

5. **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг маошига қўшимча устама берилади**
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг лавозим маошига 30 фоиз қўшимча махсус устама тўланади.

6. **Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тартиби бекор қилинади**

Ноширлик фаолиятини лицензиялаш ҳамда матбаа фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиблари бекор қилиниб, ноширлик ва матбаа фаолиятини бошлаганлиги ҳақида ваколатли давлат органини хабардор этиш тизими жорий қилинади.

7. **Жавобгарлик белгилловчи ҳуқуқий нормалар фақатгина қонулар билан ўрнатилади.**

Жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб: ҳўжалик бошқаруви органлари ваколатига кирувчи масалалар ва корпоратив муносабатлар қонуности ҳўжатларини қабул қилиш ёки маъмурий усуллар орқали тартибга солиниши тақдирланади;

жисмоний ва юридик шахслар учун жавобгарлик белгилловчи ҳуқуқий нормалар фақатгина қонулар билан белгиланади;



идоровий норматив-ҳуқуқий ҳўжатларга жисмоний ва юридик шахслар учун қўшимча тўлов ва йиғимларни белгилловчи, ортиқча маъмурий ва бошқа чеклашларни назарда тутувчи, уларга асосланмаган харажатлар юзага келишига олиб келувчи, рухсат бериш хусусиятига эга бўлган ҳуқуқий нормаларни киритишга йўл қўймайди; техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳўжатларга ҳуқуқий нормалар киритишга йўл қўйилмайди;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳўжатлар Адлия вазирлигидан мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади;

норматив-ҳуқуқий ҳўжатлар лойиҳаларини тайёрлашда концептуал жиҳатдан янги механизмларни яратишнинг "пакет" принципи жорий қилинади; қонунчиликни тизимлаштириш ва ортиқча ҳуқуқий тартибга солишни камайтириш мақсадида 2020 йил 1 июлдан 2021 йил 1 январгача идоровий норматив-ҳуқуқий ҳўжатларни қабул қилиш тўхтатилади (ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўз кўчинини йўқотган деб топиш тўғрисидаги, шунингдек, унификация қилишни назарда тутувчи идоровий норматив-ҳуқуқий ҳўжатларни қабул қилиш бундан мустасно).

8. **Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотларини эшитиш тартиби амалиётга татбиқ қилинади**

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисларида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолияти бўйича, шунингдек, Ҳўкумат аъзолари ва тармоқлар раҳбарларининг БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш, илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотларини мунтазам равишда эшитиш тартиби амалиётга татбиқ қилинади.

9. **Қурилиш соҳасида назорат инспекциясига қўшимча ваколат берилади**

Қурилиш соҳасида назорат инспекция ва ҳудудий инспекция бошқаларига ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирилган ҳолларда ишни кўриб чиқиш учун судга тақдим этиш тартибини сақлаб қолган ҳолда, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳўжатларининг бузилишига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати берилади.

10. **Дори воситаларига нисбатан референт нарх шакллантириш тизими жорий этилади**

Маҳаллий ва хорижий дори воситаларига нисбатан референт нарх шакллантириш тизими босқич-ма-босқич жорий этилади.

Унга кўра, аҳоли жон бошига нисбатан даромадлар даражаси юқори, ўртачадан юқорироқ ва ўртачадан пастроқ бўлган давлатлар гуруҳига кирувчи камида 10 та референт мамлакатлар танланади.

Дори шакли, қадоқдаги сони, дозаси, концентрацияси, ҳажми ва қадоқланишини ҳисобга олган ҳолда дори воситасининг ҳар бир савдо номи учун белгиланган энг юқори нархи қайд этилади. Бунда дори воситасини ушбу қийматдан юқори нархларда Ўзбекистонга етказиб бериш (импорт дори воситалари учун) ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан сотилиши (маҳаллий дори воситалари учун) мумкин эмас.

Шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар республиканинг барча тиббиёт ташкилотларига мажбурий тартибда дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи бўйича рецепт ёзилиши тартиби жорий қилинади

Бундан ташқари, "Фармацевтика маҳсулотларининг сирли харидори" институти жорий этилади.

Ушбу институтнинг асосий вазифаларидан бири мулкчилик шаклидан қатъи назар, тиббиёт ташкилотлари ва дорихоналар томонидан рецептларни ёзиш ва дори воситаларининг савдо номи учун чекланган нархларни шакллантириш жараёнини тартибга солувчи қонунчилик талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш ва баҳолаш ҳисобланади.

11. **Барча тўғруқчи қабул қилиш муассасаларида туғилиш ва ўлим тўғрисида Электрон маълумотлар алмашинуви дастури юритилади**

Мулкчилик шакли ва идоровий мансублигидан қатъи назар барча тўғруқчи қабул қилиш муассасаларида Электрон маълумотлар алмашинуви дастури юритилиши мажбурий ҳисобланади.

12. **Шахсни ушлаб туриш ҳўлатлари ягона электрон ҳисобга олиш тизимига киритилади**

Ҳўкуқчи чеклайдиган процессуал мажбурул чораларини қўллаш, жумладан шахсни ушлаб туриш ҳўлатлари ягона электрон ҳисобга олиш тизимига киритиб борилади.

“SHERZOD KREDIT INVEST” МЧЖ

Рўйхат рақами: ЎзР МБнна 2010 йил 19 июндаги 51-сонли лицензияси.

Юридик манзили: 100208, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қизил Шарқ мавзеси, 25 уй, 64 хонадон.

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ			
2019 йил 31 декабрь ҳолатига			
КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СУМ
		1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	
110	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар	0
120	42000	Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар	619 998
160	44700+44900	Бошқа фоизли даромадлар	0
170		Жами фоизли даромадлар (110+120+160)	619 998
		2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР	
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар	0
220	53101	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
230	53105+53195+53196	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	6 253
240	54400	Лизинг (микролизинг) бўйича фоизли харажатлар	0
250	54900	Бошқа фоизли харажатлар	0
260		Жами фоизли харажатлар (210+220+230+240+250)	6 253
310		3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (170-260)	613 745
320	56802+56842	Минус: Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330		Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фоизли даромадлар (310-320)	613 745
		4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	
410	45201	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	0
440	45900	Бошқа фоизсиз даромадлар	163 810
450		Жами фоизсиз даромадлар (410+440)	163 810
		5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	
510	55106	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	37 480
520	55900	Бошқа фоизсиз харажатлар	917
530		Жами фоизсиз харажатлар (510+520)	38 397
600		6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+450-530)	739 158
		7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	
710	56100	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	214 728
720	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	49 722
730	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	0
740	56400	Маъмурий харажатлар	10 331
750	56500	Репрезентация ва хайрия	7 802
760	56600	Эскириш харажатлари	30 506
770	56700	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	7 821
780		Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	320 909
800	56800-56802-56842	8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
900		9. ФОЙДА СОЛИГИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)	418 249
		10. ФОЙДА СОЛИГИ	
1000	56902	Фойда солиғини баҳолаш	51 617
1100		11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)	366 632
1110	Дг 31206 ёки Кг 31206	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	0
1200		12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+/-1110)	366 632

БАЛАНС ҲИСОБОТИ			
КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СУМ
		АКТИВЛАР	
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	17 883
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	38 479
30	16300	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	30 387
50	12401+12405+12409+15701+15705	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмо), брутто	
51	12499+15799	Минус: кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	
52		Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	632 560
70	16500	Асосий воситалар, соф	90 538
80	16600	Номоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	
91	16799	а. Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қолпаш захираси	
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900+16400	Бошқа активлар	52 606
110		Жами активлар (10+20+30+52+70+80+92+100)	862 455
		МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ	
		МАЖБУРИЯТЛАР	
210	21400+21600	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	0
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	22400	Тўланиши лозим бўлган фоизлар	0
240	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	4 229
250	22800	Муддатли узайтирилган даромадлар	0
260	29800	Бошқа мажбуриятлар	14 727
270		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)	18 955
		КАПИТАЛ	
310	30301	Устав капитали	600 000
320	30903	Умумий захира фонди	90 000
330	30905	Тежинга олинган мулклар	0
350	31203	Тақсимланмаган фойда	0
360	30908	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	254
370	(40000-50000) +/-31206	Жорий йил фойдаси (зарар)	153246
380		Жами капитал (310+320+330+350+360+370)	843500
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)	862455

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги “TRANS-AUDIT” МЧЖ аудиторлик компанияси томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот таҳлилнинг 2019 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботларининг тўғрилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд.

Хизматлар лицензияланган

ДУНЁГА НИГОХ

ЕВРОПА БАНКЛАРИ РЕКОРД ДАРАЖАДА ҚАРЗ ОЛМОҚЧИ

Банк тармоғини кредитлаштириш дастури доирасидаги талаб кутилганидан-да баланд бўлди.

Европа марказий банки илк марта йирик мувофиқлаштирувчи ташкилотга айланди ва банкларга депозитлар бўйича паст ставкалар даражада манфий ставкали кўп йиллик кредитларни таклиф этди. Сўнггиси -0.50 фоизлигини инобатга олсак, мазкур дастур моҳиятига кўра банк тармоғини субсидиялаштириш ҳисобланади. Энг қизиғи, бу дастурга бўлган қизиқиш кучли бўлиб чиқди: ЕМБ таклифидан 742 та банк фойдаланди. Улар умумий қиймати 1,31 триллион евролик қарз олиш бўйича ариза берган.

ЕМБнинг лимит ва гаров бўйича ўзгаришлар киритилган талабларига кўра, банклар уч йил муддатга -1 фоиз ставкаси бўйича маблағларга эга бўлиши мумкин бўлади. Бироқ асосий шарт банклар худди ўтган йилдаги каби уй ҳўжалиги ва тадбиркорларга берилган кредит ҳажми сақланиб қолиши керак.

Кутилаётганидек, 760 миллиард евро улар ЕМБдан олинган кредитларни сўндиришга сарф-

лайди. қолган 549 миллиарддан салмоқли қисми, эҳтимол, давлат облигацияларини харид қилишга йўналтирилади. Бундай инвестиция банкларга кафолатланган даромад эга бўлишига кўмак беради ва Евроҳудуд мамлакатлари ҳукуматига пандемия оқибатлари билан курашишга молиялаштириш учун янги облигацияларни жойлаштириш имконини беради. Айниқса, жорий йилда давлат қарзларининг қўшимча эмиссия ҳажми 1.0 – 1.5 триллион еврога тенг бўлиши башорат қилинаётганида бу муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ, мутахассислар хавотир билан банклар экпозициясида миллий қарзлар ўсиш истиқболлари ҳақида сўз юритганда ЕМБ ёрдами янги баҳоламоқда. ЕМБнинг ўзининг баланси банкларни кредитлаштириш дастури ҳисобига 6 триллион еврога етиши, яъни Евроҳудуд япни ЯИМ кўрсаткичининг 50 фоиздан ортиқ маблағга тенг бўлиши кутилмоқда.

РОССИЯЛИКЛАР РУБЛДАГИ ЖАМҒАРМАЛАРИНИ ДОЛЛАРГА АЙИРБОШЛАЙДИМИ?

Жорий йил май ойида илк марта жисмоний шахслар томонидан хорижий валютадаги омонатлар оқими кузатилди. Бир пайтнинг ўзида рублли депозитлардан маблағлар чиқиб кетиши қайд этилди, дейилади РФ МБнинг “Россия Федерациясидаги банк тармоғи шарҳи” нашрида чоп этилган баёнотда.



Май ойида россияликлар умумий ҳажми 721 миллион АҚШ долларилек хорижий валютадаги маблағларни омонат сифатида киритди ва ушбу маблағлардан олинган фойдани 88,97 АҚШ долларига етишига эришилди. Январь ойидан апрель ойига қадар жисмоний шахслар омонатларидан валютанинг чиқиб кетиши қайд этилди, унинг чўққиси март ойига тўғри келди. Шу вақтда жаҳон акциялар бозори ва нефть нархи эркин пасайиш ҳолатини бошидан ўтказётган эди. Шу пайтда россияликлар депозитларидан деярли 5 миллиард АҚШ долларини ечиб олишди.

Шундай қилиб, май ойида илк марта жисмоний шахсларнинг банкдаги депозитларига валюта кирими кузатилди. Бироқ бу киримни рамзий маънода айтиш мумкин. Сабаби бу ҳисобрақамларга ундан аввалги тўрт ой давомида олиб қўйилган маблағнинг атиги 9 фоизидан кам маблағ келиб тушган.

Банкларга валюталар қайтарилишининг асосий сабабларидан бири шундаки, россияликлар иқтисодий вазиятдан хавотирланиши бироз пасайди, дейди НКР рейтинг агентлигининг катта бошқарувчи директори Александр Проклов. Яна бошқа эҳтимолий сабаби рублли қўйилмалар бўйича ставкаларнинг пасайтирилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин, дейди Moody's агентлигининг катта таҳлилчиси Семен Исаков.

Май ойида, шунингдек россияликларнинг рублдаги омонатларидан 92,14 миллиард рублик маблағлари чиқиб кетиши кузатилди. Бу эса Fitchнинг молиявий ташкилотлар бўйича таҳлилий гуруҳ директори Антон Лопатиннинг фикрича, банкларнинг айрим мижозлари рублдаги омонатларини хорижий валютага айирбошлагани билан боғлиқ.

Интернет материаллари асосида тайёрланди



НАМУНАЛИ УЙЛАР НАМУНАЛИ БЎЛСАЙДИ...

Кейинги пайтда ҳукуматимиз томонидан аҳоли учун қурилган намунали уйларга Ижтимоий тармоқларда турлича муносабатларни кўриш мумкин. Бундай уй-жойларни танқид қиладиган кишилар ҳам учрайди. Бу, албатта ҳамма қуриладиган намунали уйлар сифатсиз дегани эмас. Айрим нафсга берилган ширкатларнинг пала-партиш иши бошқа шинам, пишиқ ва гўзал шаклда қуриладиган уй-жойлар обрўсига соя солмаслиги керак. Ана шундай “Қўлдан кетгунча – эгасига етгунча” қабилда ишлаётган ширкатлар билан жавобгарликни кучайтириб ҳуқуқий муносабатни кучайтириш лозим деб ўйлайман.

Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари қадимийлиги ва ўзига хослиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Инсоният цивилизациясининг қадимий манзилларидан бири бўлган Наманган вилоятининг Чуст, Косонсой, Ахсикент каби ҳудудларидаги кўҳна ёдгорликлар қисман тадқиқ этилиб ўрганилган. Жумладан, 1950 йилда археолог М.Э. Воронец томонидан топилган Говасой соҳилидаги “Буонамозор” деб аталувчи тепаликни археолог В. И. Спришевский 1951-1961 йилларда ўрганиб, ушбу манзилгоҳда пахсадан қурилган уйлар, ёғочдан ясалган чайлалар, ертўлалар ва кенглиги 3 метр, баландлиги 4 метр бўлган мудофаа деворлари ҳам мавжуд бўлганини аниқлаган. В. И. Спришевскийга кўра, бу деворлар ўша давр жамиятида мустаҳкам қурилганидан далолат беради. Буларни таъкилаётганимиздан мақсад, биз ана шу обидаларни текширгани борганимизда улар шу қадар пишиқ-пухта, мустаҳкам қурилганига гувоҳ бўлдик.

Айни кунда барпо этилаётган бинолар ҳар томонлама қулай, шинам, ташқи кўриниши виқорли, турфа хил безакларга бойлиги, энг замонавий шаҳарсозлик талабларига мослиги ва сейсмик хатарларга чидамлилиги билан ажралиб туради. Фойдаланилаётган қурилиш ашёлари ҳам экологик тоза бўлиб, инсон соғлиги учун зарарли бўлган “асбец” материаллари ишлатилмайди. Бироқ юқорида айтганимиздек айрим қурилиш ширкатлари фирромлиги, нафсини устун қўйиб юбориши одамлар орасида турли гап-сўзлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Ҳукуматимиз ташаббуси қишлоқ жойларида бунёд этилаётган замонавий уй-жойлар эса архитектура талабларига тўлиқ жавоб бериши, шинамлиги, қулайликлари ҳамда салобатли ташқи кўриниши билан мезморчилик соҳасидаги янги саҳифаларга муҳрланди. Энг асосийси, пишиқ ғишдан мустаҳкам тарзда қуриладиган бу уй-жойлар халқимизнинг руҳиятини кўтариб, келажакда ҳаётимиз бундан-да фаровон бўлишига, энг тараққий этган мамлакатлар қаторидан муқим ўрин олишимизга ишончимизни оширади. Бироқ шу ишончни суиистеъмол қиладиган айрим қурилиш ширкатлари ишини қаттиқ назорат остига олиш лозим деб ўйлаймиз. Ана шунда ўзбек архитектураси ва дизайни ҳам жаҳон узра кенг ёйилиб, бугунги иншоотларимиз ҳам узоқ йиллар халқимизга хизмат қиларди.

Азиза Мадалиева

Наманган вилоят ўлкашунослик
музейи илмий ходими

Ё ИСМИНГНИ ЎЗГАРТИР Ё КАСБИНГНИ...

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг маълумотларига кўра, ер юзининг 1,8 миллиард аҳолиси тамаки чекади. Бунинг оқибатида эса йилига 4 миллиард киши ҳар соғияда бир одам ҳаётдан кўз юмади. Миянинг маълум соғияларгагина тинчланиши учун кишилар азиз умрини зое этадилар.

Олимлар тамаки тутуни таркибида инсон саломатлиги учун хавфли бўлган 400 га яқин модда борлигини аниқлашган. Сигарет таркибидаги цианид кислотасининг бир томчиси одамни ўлдирди. Ёки тутундаги қатрон канцероген моддаси ўпка рақини келтириб чиқаради. Мутахассисларнинг фикрича, чекиш аввало юрак ва қонтомир каби энг муҳим аъзоларни емиради. Чекилган битта тамаки маҳсулоти томир уришини бир дақиқада йиғирматага оширади, қон босимини бир неча ўн миллиметрга кўтариб, тери ҳароратини совутади. Бу ўзгариш ярим соатча давом этади. Натижада юракда кун давомида сурункали равишда қўшимча зўриқиш ҳосил бўлиб, бу ҳолат вақт ўтиши билан оғир хасталикка айланади.

Тамаки тутунда 4000дан зиёд кимёвий унсурлар мавжуд бўлиб, улар организм фаолиятига ўз таъсирини ўтказади. Уларнинг 43дан ортиғи ўсма (саратон) касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлса, 400дан ортиғи токсик (заҳарли) моддалар ҳисобланади. Булар жумласига: смола, никотин, ис гази, кадмий, формальдегид, ацетон, бензол, мишьяк ва бошқалар кириди. Шунингдек, ўсма касалликлари (ўпка рақи 90 фоиз), нафас олиш тизими касалликлари (75 фоиз), юрак-қон томир касалликларининг (юрак ишемик касаллиги 25 фоиз) келиб чиқишига сабаб бўлади. Тамаки таркибидаги никотин ўта зарарли модда бўлиб, ўзига тобеликни цақлантиради. Никотин нафас марказларини кўзгагиб, қон томирлар спазмига (вақтинча торайишига) олиб келади. Натижада қон томир девори зарарланиб, торайган қон томирларда атеросклеротик ўзгаришлар юзга келади. Никотин таъсирида буйрак усти безида норадреналиннинг кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши юрак маромининг бузилишига, юракнинг кислородга бўлган эҳтиёжининг ошишига, оқибатда унинг юқори зўриқиш билан тартибсиз ва мажбурий ишлашига сабаб бўлади. Бу эса юрак қисқаришлари сонини 15-20 фоизга оширади. Юқорида келтирилган ҳолатлар юрак ишемик касаллигига олиб келувчи асосий омиллар



ҳисобланади. Никотин айниқса ҳомиладорлар учун жуда зарарлидир. Ҳомиладор аёл тамаки чекканидан сўнг йўлдош қон томирларининг спазми (вақтинча торайиши) оқибатида бир неча дақиқа давомида ҳомилада енгил кислород етишмовчилиги содир бўлади. Ҳомиладорлик вақтида бир маромда чекиб туриш натижасида эса кислород етишмовчилиги доимий тус олади. Бунинг натижасида она қорнидаги ҳомила ўсмай қолади. Чекувчилар нафақат ўзлари-



нинг, шунингдек, атрофдагиларнинг (иккиламчи пассив чекувчилар) соғлиғига ҳам зарар етказадилар. Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилган одамнинг баданига ҳам, ақлига ҳам, молу мулкига ҳам зарар етади. Баданига ва ақлига зарар етиши соғлиқнинг кетиши билан бўлади.

Қолаверса, муқаддас динимизда ҳам бу борада алоҳида таъкидлар қайд этиб ўтилган. Хусусан Исломуламолари Аллоҳ таолонинг: “Ва ўзингизни ҳалокатга ташламанг” (Бақара, 195) сўзига биноан бу воситаларнинг зарарли эканлигига иттифоқ қилганлар. Чунки сигарет ва нос чекувчиларнинг бора-бора эслаб қолиш қобилияти йўқолади. Таъм сезиш органларининг фаолияти пасайиб кетади. Кўриш қобилияти аста-секин сусайиб боради. Тамаки чекиш билан таҳорат кетиши ҳақида уламолар ўртасида турли фикрлар бор. Баъзилар тамаки чекиш билан таҳорат синади, дейишган бўлса, бошқалар бу билан таҳорат кетмаслигини айтишган. Биз учун муҳими, “Фатаво татархоний”, “Фикҳи қайдоний”, “Ажоибул муҳиммат” китобларида тамаки чекиш билан таҳорат синиши баён қилинган.

Тамакининг зарари ҳақида матбуотда жуда кўп гапирилади. Афсуски, шундай бўлса-да кашандалик иллати кўпайса кўпаяптики, аммо камайгани йўқ. Нос ҳам тамаки ўсимлигидан тайёрланиб, унинг зарари сигаретникдан кам эмас. У нафақат соғлиққа, балки ихлосга, иродага ҳам путур етказилади.

Биз бу масаланинг яна бир томонига эътибор қаратмоқчимиз. Кўчада аксарият пистафурушлар оғзи қизил ип билан боғланган кичкина пакетчада носвий сотади. Унинг устига эса пойтахтимиз кўчаларида “Суннат”, деб ёзиб қўйилган носвийларни кўп учратамиз. Демак, бу Суннат исми носфурушнинг маҳсулоти. Аммо айримлар шу қора пакетчадаги носни чекиш суннат экан, деб ўйлаши мумкин. Бу нос тайёрловчи Суннат исми кимса исмини ўзгартирса ёки касбини ташлаб бошқа ҳунар билан шугулланса яхши бўларди. Кони зарар бўлган бу пакетчага исмини ёзиб нима обрў топади?

Амал қилишга келганда насихатни олмаялик. Жилла курса исми ҳурмат қилайлик, деб қоламиз. Чунки, инсон исми ҳурмат қилишдан ҳам охиратда насиба топиши мумкин. Сиз нима дейсиз?!

Шукур ЖАББОР

ЯШАШ МИНИМУМИ ВА ДАРОМАД СОЛИҒИ ЁХУД БАЖАРИЛМАГАН ВАЗИФА

Президентимизнинг Олий Мажлисига 2017 йил 22 декабрдаги Мурожаатномасида илғор хорижий тажриба асосида аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича “истеъмол саватчаси” тушунчасини қонунчиликда мустаҳкамлаш ва уни амалда таъминлаш механизмларини яратиш вазифаси кўйилган эди. Бу вазифа 2018 йил Давлат дастурига киритилди, лекин бажарилмади.

Жорий йил 3 июнь куни Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида масала яна бир бор кўтарилди, 1 октябрдан тирикчилик учун зарур энг кам миқдор ва минимал истеъмол саватчасининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди.

Давлатимиз раҳбари кўйган вазифани солиқ солиш бобида бажариш юзасидан кўйидаги фикр-мулоҳазаларни ва таклифларни билдирмоқчи эдик.

Авалло, нега Президент 2,5 йил олдин кўйган вазифа шу вақтгача бажарилмади, деган оддий савол туғилади.

Бунинг сабаби, фикримизча, иқтисодиёт ривожланишига маъсул бўлган юқори бошқарув органлари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (кейинги ўринларда – Иқтисодиёт вазирлиги деб юритилади), Молия вазирлиги ва Марказий банк масалага етарлича маъсулият ва оқилона ёндашмаганлиги ва умуман ушбу идоралар фаолияти булғунги ислохотлар талабларига етарлича жавоб беришмаслигидадир.

Молия вазирлиги иқтисодиётга нисбатан фақат бюджет даромадларини тўлдирish мақсадини кўзлаб, тор ёндашувни намойиш этиб келмоқда. Ушбу идоранинг асосий юмуши – қайси солиқлар қанча ставкада белгиланган тақдирда бюджетга қанча сумма йиғиш мумкинлиги устидагина қайғуриш бўлиб қолмоқда. Иқтисодиётнинг ҳақиқатдаги аҳоли қандай, мазкур солиқлар ва улар ставкаларининг умуман иқтисодиётга таъсири қандайлигини ўрганиш – булар гўё Молия вазирлигининг бош қотирадиган масалалари эмасдек. Бундай ёндашув эса пировардда ўз оқибатларини яққол кўрсатиб турибди – иқтисодиёт умумий ривожини даражаси етарли эмаслиги сабабли давлат бюджети даромадлари ҳажми жуда кам, хусусан, 2020 йил учун прогнозга кўра

аҳоли жон бошига ойига 315 минг сўмдан тўғри келади. Бу эса давлат томонидан стратегик инвестицион ва ижтимоий сиёсатни самарали олиб боришга имкон бераётгани йўқ.

Солиштириш учун маълумот: аҳоли жон бошига ҳисоб-китоб қилганда Қозғистон Давлат бюджетининг даромадлари 2019 йилда ойига тахминан \$140 ни, Россияда – қарийб \$170 ни ташкил этди.



Марказий банк ўз монетар сиёсатини реал иқтисодиётнинг талабларини етарлича ҳисобга олмаган ҳолда олиб бормоқда. Бош банкмиз кўп йиллар давомида пул массасининг ўсишини ва инфляцияни шундай жиловлаб турдики, бунинг натижаси кутилгандан аксинча бўлиб чиқди: миллий валюта у амалга киритилган пайдан эътиборан бир неча минг марта қадрсизланди, 50 минг сўмлик, 100 минг сўмлик купюраларни чиқаришга эҳтиёж туғилди. Бундай кетаверса, бир миллионлик купюра ҳам чиқарилиб, кейинги қадам пул деноминацияси бўлиши аниқ...

Иқтисодиёт вазирлиги тармоқ вазирликлари ва бошқарув органларининг маълумотларини тўллайди ва умумлаштиради, вассалом – кўлга нима илинса илинди қабилида... Ваҳоланки, унинг тузилмасида макроиктисодий таҳлилларни олиб бориши лозим бўлган бўлинмалар бўлган ва ҳозир ҳам бутун. Вазирлик таркибига бутун бошли Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти кирди.

Ушбу идораларда умумдавлат миқёсида чуқур ҳисоб-китоб-таҳлилий ишлар етарлича олиб борилаётгани йўқ, улар бир мақсадга йўналтирилмаган, етарли даражада ўзаро мувофиқлаштирилмаган ҳолда фаолият юритиши кузатилади. Мазкур идоралар таклиф қилаётган баъзи лойиҳа ишланмаларини кузата

туриб, уларда ишлаётган мутахассислар иқтисодиётда ҳақиқатда кечаётган жараёнларнинг моҳиятини етарлича тушунмаслигига иқрор бўлган киши. Бунга, хусусан, кўйидаги далиллар гувоҳлик бериши мумкин:

– Иқтисодиёт вазирлиги 2018 йилнинг бошида 16 фоизлик ягона солиқ тўловини жорий этиш таклиф этилган лойиҳани муҳокамага кўйди. (Қаралсин <https://regulation.gov.uz/ru/documents/1580>).

Аслида шу пайтда “ягона солиқ тўлови” деб номланган тўлов солиқ тизимимизнинг катта камчиликлардан бири эди, чунки бунда корхона тушими солиққа тортилган, тушум эса – бу даромад дегани эмас, кўп ҳолларда у харажатларни қоплайди, холос. 16% ягона солиқ тўлови дегани – бу 100 сўм сарфлаб 120 сўм тушумга (20 сўми фойда) эга тадбиркор 120 x 16% = 19,2 сўм, яъни 19,2/20 x 100% = 96% ставкада солиқ тўлаётган деганидир!

2019 йилнинг ноябрида эса ўрта бизнесни қўшилган қиймат солиғидан (ҚҚС) озод этиш таклифи акс эттирилган лойиҳа ўртага ташланди. Ваҳоланки, бу пайтда солиқ ислоҳоти амалда бошланиб, унинг бош ғояларидан бири ҚҚС тўловчилар доирасини максимал кенгайтириб, мазкур солиқнинг узлуксиз закирини шакллантириш ва шу билан солиқ тизимимизнинг ҚҚС тўловчилари ва тўловчилари бўлмаганлар ўртасидаги нотенгликдан иборат бўлган энг жиддий нуқсонларидан бирини бартараф этиш эди;

– солиқ ислохотлари давомида 2019 йилда яққол хатоликларга йўл қўйилди – “кирувчи” ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда табақалаштирилган ставкаларда ҚҚСнинг соддалаштирилган тизими, “хронометраж кўздан кечириш”, “мавзули экспресс-ўрганиш” сингари солиқ текширувларининг янги, оддий мантиққа зид турлари жорий

этилди (Солиқ кодексининг янги тахририда бу хатолар тузатирилган);

– қонунчилик амалиёти ва ҳўжалик юритиш фаолиятида турли хил тўловларни ҳисоблаш учун иқтисодий дастаклар – базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ, айна пайтда 223 000 сўм) ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МХЕМ, айна пайтда 679330 сўм) яхлитланмаган ҳолда белгиланиб, ҳисоб-китоблар учун мазкур дастакларнинг

барча корхоналар учун бир хил – 12% қилиб белгиланди. Бундан ходим қўлига оладиган ҳар минг сўмга тўғри келадиган солиқ суммаси 273 сўмгача пасайди.

Лекин, фикримизча, бундан-да мақбулроқ тартиб жорий этиш имкони мавжуд ва мақсадга мувофиқдир. Зеро, ясси ставка жорий этилишида бир жihatдан “қош қўяман деб...”, “саллани оламан деб...” қабилида иш тутилиб солиқ солинмайдиган минимум “эсдан чиқарилди”. Натижада, эътибор беринг:

1 миллион сўм маош олинмайдиган шахснинг даромад солиғи ставкаси 13,8%дан 12%гача пасайтирилди, у 1,8%гина ютди, ютуқ суммаси эса 18275 сўмни ташкил қилди.

3 миллион сўм маош оладиган шахснинг даромад солиғи 22,1% дан 12%гача пасайтирилди, у 10,1 фоиз ютди, ютуқ суммаси эса 304125 сўмни ташкил қилди.

10 рақамининг 60 фоизи 100 рақамининг 30 фоизидан 5 баравар кам бўлгани каби солиқ юки даражаси ҳам фақат унинг ставкаси билан эмас, балки солиқ тўлангандан сўнг қоладиган сумманинг кишиларнинг тирикчилиги ва бизнеснинг юриб туриши учун етарли-етарли эмаслиги билан ҳам ўлчанади.

Дунёнинг аксарият давлатларида даромад ошган сайин солиқ ставкаси ҳам ошади-ган тартиб, яъни прогрессив шкала амал қилади. Ясси ставка амал қилмайдиган айрим давлатларда, жумладан Россия, Қозғистонда, прогрессив шкалага ўтиш масаласи фаол муҳокама қилинмоқда.

Хусусан, Қозғистон Президенти Касым-Жомарт Тоқаев ҳукуматга шахсий даромадларга прогрессив шкалани жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқишни топширганини маълум қилди.

Кўпчилик ривожланган давлатларда солиқ юки биздагига қараганда анча юқори. Аммо ушбу мамлакатларда юқори солиқлар тўлангандан кейин қоладиган даромад биздагига нисбатан анча юқори даражада жисмоний шахсларнинг яшаш минимуми таъминлайди, бизнесга эса етарли даражада фойда қолдиради.

Биз эса ривожланган мамлакатлар билан солиштирилганда кам тўлаймиз-у, лекин бар бир кўпчилик бизнес вакиллари ҳам, жисмоний шахслар ҳам етар-етмасликдан қўтила олмайди...

(Давоми 11-саҳифада)

(Бошланиши 10-саҳифада)

САНАБ САККИЗ ДЕЙДИГАН БЎЛСАК...

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Президентимиз томонидан айти пайтда камбағалликни қисқартириш, аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш, минимал истеъмол саватчаси тушуқчасини амалиётга киритиш бўйича белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, даромад солиғи тартибини янада такомиллаштириш зарур. Буни қуйидаги 2 та вариантда амалга ошириш мумкин.

1-вариант. Даромадларнинг яшаш минимумага - минимал истеъмол саватчаси қийматига тенг суммадаги қисмини солиқдан озод қилган ҳолда 2 поғонали прогрессив шкалани жорий этиш:

биринчи поғона, масалан, 679330 сўм (айни пайтда белгиланган энг кам меҳнат ҳақи миқдори) ёки 800 000 сўм ёхуд 1 000 000 сўм бўлиши мумкин - 0 ставка;

иккинчи поғона - 679330 (800 000 ёхуд 1 000 000) сўмдан ошган суммага - 12 %.

Таклиф этилаётган чора қанчалик муҳимлигини Молия вазирлигининг жорий йил 1-чорагида давлат бюджети ижроси ҳақидаги материалда келтирилган иш ҳақи даражасига доир кўрсаткичлар ҳам тасдиқлайди. Вазирлик материалда келтирилишича, жорий йил февраль ойида 1 млн. 767 минг кишининг, яъни 41,6 % расмий иш билан банд бўлган шахсларнинг ойлик иш ҳақи 1 млн. сўмдан ошмаган.

Бу демак, тартиб биринчи вариант бўйича такомиллаштирилса 2 миллионга яқин кишининг даромади ойига кўшимча 81 минг сўмдан 120 минг сўмгача миқдорда ошади.

2-вариант. Минимал истеъмол саватчаси қийматига тенг суммани солиқдан озод қилган ҳолда 4 поғонали прогрессив шкалани ўрнатиш.

Ҳисоб-китоблар бу тартибнинг эски тартибдан ҳам, амалдаги тартибдан ҳам афзаллигини кўрсатади. Масалан, ойига 4 миллион сўмлик даромадга:

эски вариантда солиқ энг катта сумма - 969125 сўмини, даромадга нисбатан 24,2 %ни ташкил қилади;

амалдаги вариантда солиқ ўртача миқдорда - 480000 сўмга тенг, ставкаси 12%; таклиф қилинаётган вариантда солиқ юки энг кам: суммаси 390000 сўм, умумий ставкаси 9,75%.

Даромад 5 млн. сўм бўлганда таклиф қилинаётган вариантда 5чи миллион сўмдан 25 % тўланиши ҳисобига солиқ юки амалдагига нисбатан бироз - 0,8 %га ошиб, умумий ҳисобда амалдаги 600 минг сўм ўрнига 640 минг сўм солиқ тўланади, яъни сезиларли даражада ошмайди.

Айни пайтда (Молия вазирлигининг 2020 йил февраль ойи бўйича келтирилган расмий маълумотларга таянганда бўлса) амалда расмий иш билан банд бўлганларнинг 40 фоиздан ортиги 1 млн. сўмдан кам, 90 фоизининг эса ойлик даромади 4 млн. сўмга етмайдиган иқтисодий ҳолатда 5 млн. сўмдан кўпроқ ойлик

даромад олувчилар даромадининг 4 млн. сўмдан ошган қисмига 25 %лик солиқ белгилаш, фикримизча, ижтимоий жиҳатдан адолатли чора ҳисобланади.

Таққослаш учун: даромад солигининг максимал даражаси Германияда 45, Японияда 50, АҚШда 39,6, Хитойда 45, Ҳиндистонда 31,5, Австралияда 47, Эронда 35 фоизни ташкил қилади.

Бутун жаҳон (Россия ва Қозғистондан ташқари) ва мамлакатимизнинг 2019 йилдан олдинги амалиётдан келиб чиқадики, жисмоний шахсларга прогрессив шкалада солиқ солиниши бу - умумқабул қилинган иқтисодий амалиёт, ҳатто, қонуниятдир.

ХУЛОСА

2019 йилда жорий этилган, паст даромад олувчиларга нисбатан адолатсиз, умум-иқтисодий, яъни давлат бюджети манфаатлари - умумҳалқ манфаатлари нуқтаи назардан номақбул, дунёнинг деярли ҳеч бир мамлакатда қўлланилмай-диган паст ясси солиқ шкаласидан бу тартибга ўрганиб,

ёмон одатланиб қолмаси-миздан олдин - 2021 йилдан бошлаб прогрессив шкалага ўтишимиз лозим.

Президентимиз 9 июнь куни иқтисодий масалалар бўйича ўтказган йиғилиши расмий хабарига айтилишича, "Йиғилишда мутасадди раҳбарлар иқтисодийётни ривожлантириш бўйича қисқа ва ўрта муддатда амалга оширилаётган ишлар юзасидан ўз таклифларини билдирди". Демак, мутасадди идораларга ишонч билдирилиб, ташаббус кўрсатган ҳолда фаол ишлашлари талаб этиляпти.

Умид қиламизки, 2,5 йил олдин қўйилган, лекин бажарилмаган, амалиётга "истеъмол саватчаси" меъёрини жорий этиш вазифаси бу гал ушбу идоралар томонидан бажарилади ва шу аснода 2021 йил солиқ концепциясида жисмоний шахсларнинг тирикчилиги учун зарур солиқ солинмайдиган энг кам миқдор умумиқтисодий қондаси ўз аксини топади.

Фарҳод ҚУРБОНБОВ,
иқтисод фанлари номзоди
ЎЗА

“CREDIT INVEST GROUP” МЧЖ

Рўйхат рақами: ЎзР МБнинг 2018 йил 14 июльдаги 68-сонли лицензияси.
Юридик манзили: 150700, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Шоҳрухобод кўчаси

БАЛАНС ҲИСОБОТИ 2019 йил 31 декабрь ҳолатига			
КОД	ТАРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
		АКТИВЛАР	
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	17 757
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблаглар	149 844
30	16300	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизалар	53 892
50	12401+12405+ 12409+ 15701+15705	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмол), брутто	
51	12499+15799	Минус: кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	
52		Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	933 580
70	16500	Асосий воситалар, соф	220 277
80	16600	Номоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	
91	16799	а. Минус: Қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900+16400	Бошқа активлар	49 873
110		Жами активлар (10+20+30+52+70+80+92+100)	1 425 223
		МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ	
		МАЖБУРИЯТЛАР	
210	21400+21600	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	146 949
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	22400	Тўланиши лозим бўлган фоизалар	1 445
240	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	4 822
250	22800	Муддати узайтирилган даромадлар	0
260	29800	Бошқа мажбуриятлар	14 054
270		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)	167 270
		КАПИТАЛ	
310	30301	Устав капиталли	800 000
320	30903	Умумий захира фонди	120 000
330	30905	Текинга олинган мулклар	0
350	31203	Тақсимланмаган фойда	0
360	30908	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	282
370	(40000-50000) +/- 31206	Жорий йил фойдаси (зарар)	337 671
380		Жами капитал (310+320+330+350+360+370)	1 257 953
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)	1 425 223

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги "Эрнст энд Янг" МЧЖ аудиторлик компанияси томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот ташкилотнинг 2019 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботларининг тўғрилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд.

Хизматлар лицензияланган.

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ
2019 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	ТАРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
		1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	
110	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар	0
120	42000	Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар	976 316
160	44700+44900	Бошқа фоизли даромадлар	0
170		Жами фоизли даромадлар (110+120+160)	976 316
		2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР	
210	50600	Жалб қилинган қарз маблаглари бўйича фоизли харажатлар	0
220	53101	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
230	53105+53195+53196	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	40 755
240	54400	Лизинг (микрولизинг) бўйича фоизли харажатлар	0
250	54900	Бошқа фоизли харажатлар	0
260		Жами фоизли харажатлар (210+220+230+240+250)	40 755
310		3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (170-260)	935 561
320	56802+56842	Минус: Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330		Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фоизли даромадлар (310-320)	935 561
		4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	
410	45201	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	0
440	45900	Бошқа фоизсиз даромадлар	315 157
450		Жами фоизсиз даромадлар (410+440)	315 157
		5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	
510	55106	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	44 846
520	55900	Бошқа фоизсиз харажатлар	9 752
530		Жами фоизсиз харажатлар (510+520)	54 598
600		6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+450-530)	1 196 121
		7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	
710	56100	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	272 585
720	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	71 057
730	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	0
740	56400	Маъмурий харажатлар	9 195
750	56500	Репрезентация ва хайрия	8 002
760	56600	Эскириш харажатлари	65 898
770	56700	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	7 077
780		Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	433 823
800	56800-56802-56842	8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
900		9. ФОЙДА СОЛИГИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)	762 298
		10. ФОЙДА СОЛИГИ	
1000	56902	Фойда солиғини баҳолаш	93 131
1100		11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)	669 167
1110	Дт 31206 ёки Кт 31206	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	0
1200		12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+/-1110)	669 167

Ё БАНКРОТЛИК, Ё ЯШАШ

Мутахассислар башоратига кўра, пандемия сабаб яқин келажақда банкротликка учрайдиган компаниялар шунчалик кўп бўладики, судлар кўмакка муҳтож тadbиркорларнинг ишини кўришга улгурмай қолиши мумкин. Айниқса, дунёнинг энг иқтисодий салоҳияти кучли бўлган АҚШда ҳам банкрот компаниялар сони кутилганидан-да кўп бўлиши тахмин қилинмоқда, дея [eading.profinance.ru](http://profinance.ru) нашри.

Коронавирус туфайли жаҳонда кичик ва йirik бизнес фаолияти дарз кета бошлади. Бундай бизнес вакиллари АҚШнинг Hertzand J. Crew, шунингдек, Diamond Off shore Drilling ва Whiting Petroleum сингари компаниялар ҳам кирди. Банкротлик тўлқини эса цунамига айланмиш арафасида турибди. Эдвард И.Альтман, бизнесда банкротликни башорат қилишда қўлланиладиган Z-рақам асосчисининг фикрига кўра, жорий йил мега банкротлик кўпайдиган йил сифатида рекорд рақамларга бой бўлиши, бир миллиард ва ундан кўпроқ АҚШ долларлиқ қарзларга эга компаниялар кўпайиши мумкин.

ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ЁКИ ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ

Ҳатто яқин ойларида иқтисодий фаоллик сезиларли даражада кўтарилган тақдирда ҳам бу жараён тўхтамаслиги мумкин, дейди Нью Йорк университетини бизнес мактаби вакили Альтман. Кўплаб компаниялар аллақачон жарлик томон бораётган бўлиб, уларни кўтаришнинг имкони бўлмаяпти.

Қачонлардир АҚШда газ ишлаб чиқариш бўйича иккинчи ўринда бўлиб келган Chesapeake Energy 9 миллион АҚШ долларлиқ қарзни бартараф этиш йўлида ишламоқда. Men' G Wearhouseнинг бош компанияси Tailored Brands, шунингдек Jos. A. Bank ва K&G компаниялари тез орада банкротликдан химояланишга оид ариза билан чиқиши мумкинлигини қайд этмоқда. Декабрь

ойида банкротликдан баъзр кетган Weather ford International ҳам шу алфозда қолиши мумкин.

Ўтган йили АҚШда 6800 ортик компаниялар банкротликдан химояланиш бўйича ариза билан мурожаат қилган эди. Бу йил эса уларнинг сони кўпроқ бўлиши мумкин. Банкротлик масалалари бўйича мутахассислар фикрига кўра, Буюк тушқунлик даврининг иқтисодий инқироз кўлами компанияларни жарликка етаклапти ва борган сари уларни кўтариб қолиш мушкул бўлапти.

Кўплаб банкрот бўлган йirik компаниялар қайта тузилишга ҳаракат қилмоқда, қарзлардан қутилишга оид битимларни муҳокама қилишмоқда. Бироқ режа йўқ бўлса ёки уларнинг самараси бўлмаётган бўлса, барчаси фаолияти тугатилиши билан яқун топади. Усуналар ва мулклар қўлдан бой берилса, тақдим этилган маблағлар кредиторларга қайтарилади, компания эса бутунлай йўқолиб кетади.

"Агарда ислохотлар амалга оширилмаса, баъзр кунини кўраётган кичик корхоналарнинг катта қисми фаолиятини тугатишга мажбур бўлади. Бу эса катта иқтисодий йўқолишларга сабаб бўлади", — дейилади бир гуруҳ АҚШлик иқтисодчи олимларнинг май ойида берган баёнотида. "Ишчилар бошқа вазиятда бемалол ишлайдиган компаниялардаги ишларидан маҳрум бўлишади."

"Кескин муддатлар кейинчалик қайта кўриладиган қайта ташкиллаштириш бўйича оптимистик режаларни юзага келтиради. Бу ҳолат эса судларнинг ишини кўпайтиради ва қайта тикланишни кейинга суради", — дейилади баёнотда.

ДЕФОЛТЛАРДАН ҚОЧИБ ҚУТУЛИБ БЎЛМАЙДИ

Дефолтлар тўлқинидан қочиб бўлмайди. Жорий йилнинг биринчи чораги якунида америкалик компаниялар деярли 10,5 триллион

доллар ҳажмидаги қарзга ботиб қолди. Бу эса Иккинчи жаҳон уруши якунида Сент Луисдаги ФЗТда қайд этилган кўрсаткичлардан ҳам кўп натижадир.

Қарзлар оқими химояланмаган кредиторларни қийнаб қўйди, шу жумладан, пенсионерлар, тўловларни қутаётган таъминотчилар, касаллик нафақасига эҳтиёж сезаётган ходимлар ва ҳатто иш ҳақи ололмаётган ишчиларни қийин аҳволга солиб қўйди. Агар компанияларда активларга нисбатан қарзлар кўп бўлса, ундай ҳолда сугуртали кредиторлар, шу жумладан, қарзларни арзиман маблағга сотиб олган кредиторлар нима бўлса, барчасини олиб кетади.



Ҳақ катта миқдордаги маблағлар ҳақида бормоқда. Альтманнинг фикрига кўра, жорий йилда камида 66 та суд ишида жами 1 миллиард АҚШ долларлиқ низоли ҳолатлар кўриб чиқилди. Ундан аввалги рекорд кўрсаткич 2009 йилда қайд этилган бўлиб, шу йили 49 та иш кўрилган. Шунингдек, жорий йилда камида 100 миллион долларлик 192 та банкротлик ҳолати эълон қилинади. Бу эса 2009 йилда кузатилган 242 та банкротликдан кейинги иккинчи ўринда туради.

Америка банкротлик коллежи директори Роберт Кичнинг таъкидлашича, ҳозирча кўплаб компаниялар банкротликни четга суришнинг уддасидан чиққан. Хусусан, пул маблағларини жамғариб, имкони борича тежашга интилган. Бунга мавжуд кредит

линияларини қисқартириш, ишчиларни бўшатиш, лойиҳаларни кейинга суриш ва федерал ва давлат дастурлари афзалликларидан фойдаланиш орқали эришишган.

Бироқ бу дастурларнинг муддати тугаши билан улар ўз маблағларини сарфлашига тўғри келади. Ана ўшанда банкротлик сони кескин ўсиб кетади.

БАНКРОТЛИК – ҚИММАТ ИМКОНИАТ

Иш ҳақини муҳофаза қилиш Федерал Дастури доирасида ссудага эга бўлган компаниялар ҳам банкротликка даъвогарлик қилиши мумкин. Бу ҳақда Bernstein Shur компанияси вакили Кич маълум қилди. Ссудалар

кўринишига айлантирилиши мумкин, агар компаниялар айрим талабларга жавоб берса ва агар омонатчилар банкротлик эълон қилишни тўлиқ ишонч ҳосил қилмагунча чўзиб туриши мумкин бўлса, улар пулни қайтармаса ҳам бўлади. Шундай қилиб, уларда ҳужжат топширган вақтда етарлича маблағ бор бўлади.

Бу эса муҳим омил, боиси банкротликнинг 11 та бўлимига қаралса, бу қиммат имкониятлиги маълум бўлади. Банкрот бўлган компания юрист ва қайта ташкил этилишга кўмак берувчи бошқа ходимларга катта миқдордаги маблағ тўлаши керак, шунингдек кредиторларнинг расмий қўмитасига маслаҳат берувчиларга ҳам пул бериши керак.

Мутахассисларнинг Конгрессга берадиган тавсия-

номаси ингичка тола устида жойлашган. Улар компанияларга қайта ташкил этиш режасини ишлаб чиқишга кўпроқ вақт ажратилиши имкониятини таклиф этади. Бироқ айни пайтда банкротлик ҳақидаги ишлар тезроқ амалга оширилгани маъқул, токи компаниялар бор пулларини ҳам қайта ташкил этилгунга қадар еб битирмаслиги керак.

Умуман олганда, компаниялар қанча кўп вақт банкрот бўлиб қолса, фаолияти тугатилиши бўйича таваккалчилик даражаси ортаверади. Бундай ҳолатда рикошет сифатида яна кўп компаниялар қолади. Агар ишлаб чиқарувчи банкрот бўлган бўлса, хомашё етказиб берувчилар ва қабул қилувчилар ҳам зарар кўради. Агар улгуржи сотувчи дўконлар ёпилиб, майда дўконлар ҳам зиён кўради.

Роберт Э. Гербернинг фикрича, бундай таваккалчилик ҳақиқатдан ҳам мавжуд. Гербер Нью Йоркдаги Жанубий округда банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича судья бўлиб ишлаган бўлиб, 2016 йилда пенсияга чиққан. Унинг машҳур ишларидан бири 2009 йилдаги General Motors банкротлиги билан боғлиқ бўлган бўлиб, яшмин тезлигидаги юзага келган бу ишда автомобиль ишлаб чиқарувчига бутунлай пароканда бўлмаслиги учун бор куч гайратини сарфлаган.

"Агарда GM ўз фаолиятини тугатганда, ким билсин, унинг ортидан яна қанча таъминотчилар зулмат сари йўл оларди", — деди у. Домино самараси маҳсулотларни ташувчилар ва бошқа дахлдор компанияларнинг фаолиятига салбий зарар etkazерди, ҳатто бу компанияларнинг солиқ тушумидан маҳрум бўладиган маҳаллий ҳокимликлар маблағига ҳам зиён etkazерди.

Жаноб Гербернинг фикрича, банкротлик тизими амалга оширилиши кутиладиган ишлар оқимини тўғри йўналтиришга хизмат қилиши жуда муҳим аҳамиятга эга.

"Банкротлик бу компаниялар пул бермайди, — деди у, — лекин улар яшаб қолиши мумкин".

Соодат СОДИҚОВА
тайёрлади

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ - ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Шукур ЖАББОР

ОБУНА ВА РЕКЛАМА
БЎЛИМИ РАҲБАРИ
Ўктам АБДУЛЛАЕВ
Тел: +998 90 0264090
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

МУАССИС:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Ахборот кўмаги

ЎЗА, "Norma Hamkor" МЧЖ
www.finance.uz

Тахририят манзили:

100060. Ташкент ш., Юнусобод т.
Осиё кўчаси 1а

e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
Чоп этишга тайёрловчи:

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ
Газета тахририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта - пайшанба кўни чиқади. Буюртма № г 0020 А-1595 Нархи шартнома асосида. Газета АЗ ҳажмда, 4 шартли босма табоқда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 30.06.2020 й., 1 2 3 4 5 6